

**ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИНИНГ НОҚОНУНИЙ
МУОМАЛАСИГА ДОИР ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ТЕЗКОР-
ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ НАТИЖАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

Вахабжан КАРИМОВ

профессор

юридик фанлар доктори

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ва расмийлаштириш тартиби бўйича қонун талабларига риоя қилинмаслиги, бундай тадбирларни ўтказишнинг асослангандирлмаганлиги, тадбирлар ўтказилишига асос бўлган маълумотларнинг ишончлилигини текшириб бўлмаслиги, шунингдек, тергов ҳаракатларини ўтказишда жиноят-процессуал қонун нормаларига амал қилинмаслиги, далилларнинг мақбул эмаслигига олиб келиши таъкидланган.

Таянч сўзлар: тезкор-қидирув фаолияти, тезкор-қидирув тадбирлари, тезкор-қидирув фаолияти натижалари, тезкор кузатув, тезкор қиритиш, гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний ўтказиш.

**ОСОБЕННОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ РЕЗУЛЬТАТОВ ОПЕРАТИВНО-
РОЗЫСКНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПО УГОЛОВНЫМ ДЕЛАМ О
НЕЗАКОННОМ ОБОРОТЕ НАРКОТИЧЕСКИХ СРЕДСТВ**

Вахабжан КАРИМОВ

профессор

доктор юридических наук

Правоохранительная академия

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье отмечается, что несоблюдение требований закона о порядке проведения и оформления оперативно-розыскных мероприятий, необоснованность проведения таких мероприятий, не возможность проверить информацию, послужившей основанием для проведения оперативно-розыскных мероприятий, равно как и несоблюдение положений уголовно-процессуального закона о проведении следственных действий влекут признание полученных доказательств недопустимыми.

Ключевые слова: оперативно-розыскная деятельность, оперативно-розыскные мероприятия, результаты оперативно-розыскной деятельности, оперативное наблюдение, оперативное внедрение, незаконный сбыт наркотических средств.

Статистик маълумотларга кўра дунёда 500 миллиондан ортиқ одам гиёҳвандлик дардига йўлиққан. Унинг аксарият қисмини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этмоқда. Бунинг оқибатида ҳар йили 200 мингдан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмади. Шу билан бирга, жаҳонда содир этилаётган жиноятларнинг 57 фоизи гиёҳвандлар ҳиссасига тўғри келади” [6]. Сўнгги йилларда мамлакатимизда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишининг тарқалиш кўлами ҳақиқатан ҳам миллий хавфсизликка таҳдид солмоқда. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Ҳуқукий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар маркази маълумотларига кўра охириги ўн йилликнинг ўзида гиёҳванд моддаларни истеъмол қилувчилар сони уч баробардан кўпроқ ошди, уларнинг 70 фоизини эса ёшлар ташкил этмоқда.

Бундай шароитда бу каби жиноятларга қарши курашнинг анъанавий жиноят-процессуал шакллари асосан ўз самарасини йўқотади. Шу билан бирга, бу борада тезкор-қидирув фаолиятининг (кейинги ўринларда ТҚФ деб юритилади) роли кескин ортиб бормоқда. Амалиёт шуни кўрсатадики, гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний ўтказиш билан шуғулланувчи шахсларнинг айбдорлиги ҳақидаги далилларнинг аксарияти ТҚФ натижалари асосида шакллантирилади.

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда ўтказиш деганда, уларни турлича усулда ҳақ эвазига ёки текинга (сотиш, ҳадя этиш, алмаштириш, қарзи эвазига ёки қарз сифатида ва ҳ.к.) бошқа шахсга бериш тушунилиши лозим. Бунда воситалар, моддалар, ўсимликлар шахс томонидан бевосита ёки бошқа (масалан, улар сақланадиган жой ҳақида хабар бериш, шартлашилган жойга қўйиб кетиш) усулда амалга оширилиши мумкин [11].

Ушбу мавзунинг долзарблиги шундаки, бундай жиноятларни тергов қилиш жараёнида ТҚФ натижалари жиноят иши бўйича айбни исботлашда муҳим ўрин тутadi. Қонунчиликдаги муаммо ва камчиликларни, шунингдек,

ТҚФ натижаларидан тергов жараёнида фойдаланиш тартибини чуқурроқ билиш, шубҳасиз, фойдали бўлиб, терговчига амалиётда ёрдам беради.

Гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши соҳасидаги жиноий фаолиятни аниқлаш – бу терговни амалга оширувчи шахснинг жиноят воқеалари ва уларнинг иштирокчиларини аниқлашга қаратилган процессуал ва нопроцессуал ҳаракатларнинг мураккаб тизими бўлиб, ундан фойдаланишда терговни бошқариш бўйича қарорлар қабул қилиш, уларни аниқ тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирлари (кейинги ўринларда – ТҚТ деб юритилади)ни ўтказиш тартиб-қоидаларида риоя қилишни тақозо этади.

Турли ТҚТ (тезкор кузатув, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш, почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарларини назорат қилиш, абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олиш, жиноий гуруҳлар ичига тезкор киритиш орқали кириб бориш ва ҳ.к.) ҳамда зарур махсус техник воситаларни қўллаш ёрдамида гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний ўтказиш билан шуғулланувчи жиноий гуруҳлар фаолиятини хужжатлаштириш имконияти яратилади [7;76–80]. Тезкор киритиш тадбирини ўтказишдан кўзланган мақсад эса криминал муҳит ичидагиларнинг жиноий фаолияти ҳақида маълумотлар олиш, жиноий гуруҳ ва уюшмалар фаолиятини фош этиш, улар орасида жиноий ролларнинг тақсимланиши, жиноий йўл билан топилган мол-мулкнинг сақлаш жойларини аниқлаш, қидирилаётган жиноятчиларни топиш ва шу каби ТҚФ вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган маълумотларни олиш ҳисобланади. Жиноий муҳитга кириб бориш, гиёҳванд воситалар савдоси билан боғлиқ жиноий гуруҳлар аъзолари билан алоқа ўрнатиш, уларнинг фаолиятини кузатиб бориш ва маълум даражада назорат қилиш имкониятини беради [7].

Кўпинча, тезкор киритиш ТҚТни ўтказиш орқали жиноий гуруҳнинг таркиби, тузилиши, унинг алоқалари, режалари ва бошқалар ҳақида маълумот олиш мумкин. Жиноятнинг олдини олишнинг иложи бўлмаган ҳолларда ҳам ТҚФ натижаларини олиш имконияти туғилади, бу эса дастлабки тергов жараёнида далилларнинг мумкин бўлган манбалари тўғрисида йўналтирувчи хусусиятга эга бўлган маълумотлардан фойдаланишга имкон беради, шунингдек, кейинчалик қонунга мувофиқ олинган ва қайд этилган баъзи бир маълумотлар далил сифатида жиноят процессига киритилиши мумкин [8].

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 18 февралдаги ЎРҚ-675-сонли қонуни билан Жиноят-процессуал кодекси (кейинги ўринларда – ЖПК)нинг 81-моддаси “Агар ТҚТнинг натижалари фақат қонун талабларига мувофиқ олинган бўлса, ушбу Кодекс нормаларига мувофиқ текширилган ва баҳоланганидан кейин ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ёки ТҚТда иштирок этган бошқа шахсларнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсда жиноят содир этиш учун шаклланган қасд мавжуд бўлганлигидан далолат берса, ушбу натижалар далил сифатида тан олиниши мумкин” деган мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилган [1]. Бу натижалар тайёрланаётган, содир этилаётган ёки содир этилган жиноят аломатлари, шунингдек, жиноятни тайёрлаётган, содир этаётган ёки содир этган ҳамда тергов органлари, суриштирув ёки суддан яширинган шахслар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Эътибор бериш лозимки, *биринчидан*, ТҚФ натижалари далил ҳисобланмайди, чунки улар ЖПКда белгиланган “далил” тушунчасига тўлиқ мос келмайди [9]. Хусусан, улар ЖПКда белгиланган тартибда олинмаган ва 81-модданинг 1-қисмида санаб ўтилган субъектлар томонидан йиғилмаган. Шунинг учун олинган маълумотлар далил сифатида тан олиниши ҳам, тан олинмаслиги ҳам мумкин. Масалан, бундай натижалар тергов ҳаракатларини тайёрлаш ва ўтказишда “йўналтирувчи маълумот” сифатида фойдаланилиши,

ёки улардан жиноят ишини кўзғатиш учун асос ва сабаб сифатида фойдаланилиши мумкин [2].

Иккинчидан, ТҚФ натижалари фақат “Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунда белгиланган тартибда олинган маълумотлардан иборат бўлиши керак. Демак, агар ТҚТни ўтказишда мазкур Қонун талаблари бузилса, олинган натижалардан жиноят процессида далил сифатида фойдаланиш мумкин эмас. Бу ерда муҳим жиҳат шундаки, Ушбу Қонуннинг 2-моддасида қайд қилинган ТҚФнинг ҳуқуқий асосларига нафақат Конституция ва қонунлар, балки уларга мувофиқ қабул қилинган ТҚФни амалга оширувчи давлат органларининг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳам киритилган. Шу сабабли, ҳар қандай қонунбузарлик, жумладан, ТҚТни ташкил этиш ва ўтказиш тактикаси бўйича қабул қилинган идоравий йўриқномалар талабларини бузиш ҳам, ТҚФ натижаларидан жиноят процессида фойдаланиш имкониятини йўққа чиқаради. Бу муҳим қоида бўлиб, бизнинг таҳлилларимизда тезкор бўлинмалар йўл қўядиган одатий хатоларга мисол бўлиши мумкин.

ЖПКнинг 95¹-моддаси биринчи қисмида: «Агар фактик маълумотлар қонунга хилоф усуллар орқали ёки жиноят процесси иштирокчиларини қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки бу ҳуқуқларни чеклаш йўли билан ёхуд ушбу Кодекс талаблари бузилган ҳолда олинган бўлса, улар далил сифатида мақбул эмас деб топилади», – деб кўрсатилган. Бу нормадан хулоса чиқариш мумкинки, жиноят-процессуал тартибга тўлиқ риоя қилинган ҳолда олинган ТҚФ натижаларидан жиноят ишлари бўйича исботлашда далил сифатида фойдаланиш мумкин.

ТҚФ тўғрисидаги қонун (14-модда биринчи қисм) ва бошқа очиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ТҚТни ўтказиш тартибини, иштирокчиларнинг тўлиқ таркибини, олинган натижаларни расмийлаштириш усуллари, тузиладиган ҳужжатларнинг номлари ва шакллари тартибга солмайди.

ТҚТларини ўтказиш ва расмийлаштириш бўйича аниқ талаблар ТҚФни амалга оширувчи органларнинг ёпиқ хусусиятга эга идоравий норматив

хужжатларида мавжуд. Бироқ, *биринчидан*, бу талаблар жуда қисқа шаклда баён қилинган; *иккинчидан*, улар кўпинча жуда умумий ёки тавсиявий хусусиятга эга; *учинчидан*, терговчилар, прокурорлар, судьялар, адвокатлар ва жинойт процессининг бошқа иштирокчилари, ушбу норматив хужжатлар билан танишиш имкониятига эга эмаслар. Қонунчиликдаги бундай бўшлиқ салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлиб, улардан бири – бу республикаимизнинг турли ҳудудларида ТҚТ ўтказиш, муайян ҳаракатларнинг қонунийлиги ва яқиний хужжатларни расмийлаштириш бўйича амалиётнинг хилма-хил ва зиддиятли бўлиши ҳисобланади. Шунингдек, турли минтақалардаги судлар ҳам ТҚФ натижалари асосида олинган далиллардан фойдаланиш масаласига турлича ёндашмоқда. Масалан, айрим ҳудудларда алоҳида ходимлар ва ҳатто бутун бир тезкор бўлинмалар ТҚТ ўтказиш ва уларнинг натижаларидан исботлашда фойдаланиш бўйича нотўғри амалиётни шакллантиришга уриниш ҳолатлари кузатилади. Масалан, айрим ҳолларда, тезкор бўлинма ходимлари жинойт иши қўзғатилгунга қадар “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 14-модда 1-қисми тўққизинчи хатбошисига мувофиқ, “турар жойларни текшириш” ТҚТни “тинтув” тергов ҳаракатига хос бўлган шаклда ўтказишга уриниш ҳолатлари учрайди. Яъни, тезкор ходимлар томонидан хонадон эгасининг розилигисиз эшиклар бузиб очилиши, ҳозир бўлган шахсларга текширув жойини тарқ этишни тақиқлаш ҳолатлари кузатилади. Қонунчилик хужжатлари, идоравий йўриқномаларни таҳлил қилиш “турар жойларни текшириш” ТҚТ ва “тинтув” тергов ҳаракати ўртасидаги хусусиятларни белгилаш имконини бермайди. Масалан, жинойт иши қўзғатилгунга қадар прокурор санкцияси асосида ўтказиладиган “турар жойларни текшириш” ТҚТ билан жинойт иши доирасида терговчи томонидан ўтказиладиган “тинтув” тергов ҳаракати ўртасида қандай фарқ борлиги аниқ белгиланмаганлиги боис, амалиётда айрим қийинчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Айрим ҳолларда, ТҚТ турларидан бўлган тезкор эксперимент [2] ТҚТни ўтказишдаги хатоликлардан бири – бу тадбирни ўтказишга рухсат берувчи орган раҳбари қарорида янглиш ҳолда “тезкор кузатув” [2] ТҚТ тури сифатида қайд этилиши кузатилади. Бунинг сабаби жуда оддий бўлиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ТҚТларини ўтказиш тартиби ва натижаларни қайд этиш усуллари аниқ белгиланмаганлиги, тезкор-қидирув бўлинмалари зарурият туғилганда, билиб-билмасдан, бир тадбирни бошқаси билан “алмаштириш” имкониятига эгалигидир. Ваҳоланки, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 17-моддаси биринчи қисми тўртинчи хатбошисида “ушбу Қонуннинг 14-моддасида назарда тутилмаган ТҚТни ўтказиш тақиқланган” деган норма қайд этилган бўлиб, хулоса қилиш мумкинки, мазкур қонундаги ҳар бир ТҚТ қонунчилиқда белгиланган асослар, шартлар ва тартибга биноан ўтказилиши лозим.

Шуни таъкидлаш жоизки, суд ёки ҳимоя томони бундай ҳаракатларнинг ноқонунийлиги ҳақида асосли хулосага келиш учун, ҳеч бўлмаганда ТҚФни амалга оширувчи органларнинг идоравий йўриқномаларини сўраб олиши ва таҳлил қилишлари керак [10]. Аммо бундай фикр барча мутахассисларнинг ҳаёлига келавермайди. Бундан ташқари, ташкилий жиҳатдан мавжуд қийинчиликларни енгиш ҳам керак бўлади. Шу билан бирга, ТҚФ натижаларидан фойдаланиш қонунийлигини самарали текшириш воситалари фақат назорат қилувчи прокурорларнинг қўлида мавжуддир.

Терговчи, суриштирувчи ва прокуратура органларининг мансабдор шахслари гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний ўтказиш ҳолатларини аниқлашга қаратилган “назорат остида олиш” ТҚТда бевосита иштирок этиш ҳуқуқига эга эмаслигини унутмаслик керак. Бунинг иккита асосий сабаби бор:

– жиноят процессининг номлари кўрсатилган иштирокчилари ТҚФни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлинмалар рўйхатига киритилмаган (Тезкор-кидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 10-моддаси 1-қисми).

– агар терговчи у ёки бу тарзда ТҚТда иштирок этган бўлса, масалан, "харидорга" кимёвий ишлов берилган купюралар ёки техник воситаларни тақдим этган бўлса, унга гиёҳвандлик воситаларини назорат остида харид қилиш тартиби ва бошқа ҳаракатлар тўғрисида йўл-йўриқ берган бўлса, тадбир натижаларини расмийлаштиришда бевосита иштирок этган бўлса, у гувоҳ сифатида тан олинishi мумкин [5]. Бу эса унинг жиноят ишида иштирок этишига монелик қилувчи ҳолат деб топилади [5]. Ҳар хил ҳудудларда гиёҳвандлик воситаларини ўтказувчидан сотиб олувчи, пора предметини порахўрга берувчи шахслар турлича (аризачи, харидор ва х.к.) номланади.

Шу билан бирга, терговчининг ТҚТни режалаштиришда, тезкор-кидирув бўлинмалари ходимларига тадбирни ўтказиш, натижаларни расмийлаштиришда, улардан жиноят процессида далил сифатида фойдаланиш истикболлари ва бошқалар бўйича маслаҳат беришда иштирок этиши истисно қилинмайди. Амалиёт тажрибасидан маълумки, бундай ҳолларда кўпинча терговчилар тегишли процессуал ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлашда тезкор ходимларга амалий ёрдам кўрсатишларига тўғри келади, чунки тадбир ўтказувчи тезкор бўлинма ходимлари уларни ҳар доим ҳам тўғри расмийлаштириш кўникмаларига эга бўлмайдилар.

ТҚФ материаллари жиноят иши қўзғатиш учун асос бўлиши, жиноят иши ўз юритувида бўлган суриштирув, тергов органларига, прокуратурага тергов ҳаракатларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш учун тақдим этилиши, шунингдек бу материаллардан Ўзбекистон Республикаси ЖПК нормаларига мувофиқ жиноят ишлари бўйича исбот қилишда фойдаланилиши мумкин [2]. ТҚТ натижалари, ушбу фаолиятни амалга оширувчи орган раҳбарининг қарори асосида, идоравий норматив ҳужжатлар билан белгиланган тартибда тақдим этилади. Агар ТҚФ натижаларини

тақдим этиш жараёнида қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилмаса, бу жиноят процессида бундай натижалардан далил сифатида фойдаланишнинг қонунийлиги шубҳа остида қолишига олиб келиши мумкин. ТҚТни ўтказишни тартибга солувчи идоралараро норматив ҳужжат мазмунидан хулоса қилиш мумкинки, у тегишли натижаларни тақдим этишнинг қуйидаги учта ҳолатини тартибга солади:

- ТҚФни амалга оширувчи органларнинг ташаббуси билан;
- терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов органи мансабдор шахсининг алоҳида топшириғи;
- жиноят иши ёхуд терговга қадар текширув материаллари иш юритувида бўлган прокурорнинг қонунда белгиланган тартибдаги топшириғи ёки кўрсатмасига асосан.

Халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари сўровларини бажариш жараёнида олинган ТҚФ натижаларини тақдим этиш тартиби алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади.

Юқоридаги ҳаракатларни белгиловчи қонунчилик ҳужжатлари терговчининг ўз ташаббуси билан, жиноят иши учун муҳим бўлган ва унда ТҚФ натижалари қайд этилган предметлар ҳамда ҳужжатларни олиб қўйиш тўғрисида қарор чиқарган ҳолатларни тартибга солмайди. ЖПКнинг 159-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, олиб қўйиш суриштирувчининг ёки терговчининг қарори ёхуд суднинг ажримига кўра ўтказилади, бунда улар олиб қўйишни ўтказишни суриштирув органига ёки терговчига топширишга ҳақли [3]. Шахсий электрон маълумотларни олиб қўйиш ва тинтув қилиш, ЖПКнинг 161-моддаси саккизинчи қисмига мувофиқ, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан суднинг қарорига асосан амалга оширилади [4].

Фикримизча, ТҚФ натижаларини олиш ва уларни жиноят процессига киритишнинг бундай усули ҳам мумкин бўлиб, башарти бунда барча

конуний талаблар бажарилса, ушбу асосда олинган далиллар мақбул деб топилиши мумкин.

ТҚФ натижаларини тақдим этиш тўртта босқичда амалга оширилади:

1) ТҚФни амалга оширувчи орган раҳбари томонидан натижаларни суриштирув, тергов органи ёки прокурорга тақдим этиш ҳақида қарор чиқариш [2];

2) давлат сирини ўз ичига олган айрим тезкор хизмат ҳужжатларини махфийлик даражасини ечиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

3) кузатув хатини расмийлаштириш;

4) материалларнинг амалда топширилишини (почта орқали юбориш, курьер орқали етказиш ва ҳ.к.) ташкил этиш.

Суриштирув органи, терговчи ёки прокурорга ТҚФ натижаларини жўнатиш тартиби (почта орқали юбориш, шахсан қўлига ёки бошқа усуллар) алоҳида ҳар бир ҳолатда иш юритиш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида ТҚФни амалга оширувчи орган томонидан танланади.

Юқорида қайд этилган ҳужжатларга жиноят-процессуал қонунчиликка мувофиқ далилий ашё сифатида эътироф этиш учун ТҚТ натижасида олинган (тайёрланган) фотографик негативлар ва фотосуратлар, кинотасмалар, фонограммалар, видеоёзув кассеталар, дисклар, компьютер ахборот ташувчилари, чизмалар, режалар, схемалар, маълумотлар, шунингдек бошқа моддий объектлар ҳам илова қилиниши мумкин. Илова қилинаётган материаллар, ҳужжатлар ва бошқа объектларнинг олинган вақти, жойи ва шароити тўғрисидаги маълумотлар жиноят аломатлари аниқланганлиги бўйича ёзилган билдирги ёки маълумотномада қайд этирилиши лозим.

Жиноят ишини қўзғатиш масаласини ҳал этиш учун тақдим этилаётган ТҚФ натижаларида жиноят аломатларини кўрсатувчи маълумотлар етарлича бўлиши, яъни: қаерда, қачон ва қайси жиноят белгилари аниқланганлиги; улар қандай шароитларда аниқланганлиги;

ушбу жиноятни содир этган шахс (агар улар маълум бўлса) ва жиноятнинг гувоҳлари (агар улар маълум бўлса) тўғрисидаги маълумотлар; ашёвий далил бўлиши мумкин бўлган предметлар ва ҳужжатларнинг турган жойи тўғрисида; жиноят ишини қўзғатиш масаласини ҳал этишдаги аҳамиятга эга ҳар қандай воқеа ва ҳодисаларни ўзида акс эттириши керак.

ТҚФ натижаларининг терговчига тақдим этилиши ҳамда терговчи томонидан уларни қабул қилинишининг ўзи, ҳали ушбу натижаларнинг далилга айланишини англатмайди. Процессуал қарорларни қабул қилишда қўлланиладиган ТҚФ натижаларини текшириш фақат қуйидаги йўллар билан амалга оширилиши мумкин: а) уларни олишнинг қонунийлигини текшириш (тегишли субъект томонидан ушбу натижалар заруратга қараб санкция ёки ажрим асосида олинганлигини); б) уларнинг махфийлик даражасини ечиш ва терговчига тақдим этиш тартибига риоя қилинганлигини текшириш.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, ТҚФ натижалари бўйича қуйидаги муаллифлик тарифини таклиф қилиш мумкин: *ТҚФ натижалари деганда, тайёрланаётган, содир этилаётган ёки содир этилган жиноят белгилари, жиноятни тайёрлаётган, содир этаётган ёки содир этган, шу жумладан суриштирув, тергов органлари ёки суддан яширинган шахслар, шунингдек, "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги қонунга мувофиқ олинган, тергов учун аҳамиятга эга бўлган ҳар қандай ҳолатлар, гувоҳ бўлиши мумкин бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган манбалар тушунилади.*

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳамда жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 18 февралдаги ЎРҚ-675-сонли Қонуни таҳририда //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.02.2021 й., 03/21/675/0126-сон.

2. Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 7 ноябрь ЎРҚ-344-сон қонуни. Lex.uz

3. Ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 28 январ ЎРҚ-1022-сонли Қонуни таҳририда. Lex.uz

4. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига рақамли далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 21 ноябрдаги ЎРҚ-1003-сонли Қонуни таҳририда. Lex.uz

5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси.

6. Ахмедов А. 26 июнь – халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни. info-adolatmarkazi/uz

7. Аленин А.П. Методика проверки незаконного оборота наркотических средств. – Астана, 2019. – 135 с.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги «Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 12-сон қарорининг 21-банди.

9. Долгачёва О.И., Нефедьев А.С., Потапова Н.Н. Некоторые организационно-правовые особенности проведения оперативно-разыскных мероприятий оперативными подразделениями по борьбе с незаконным оборотом наркотиков // Отраслевые проблемы юридической науки и практики. Вестник Нижегородской академии МВД России. 2014. № 2 (26). С. 76-80.

10. Каримов В. Тезкор-қидирув фаолияти: дарслик. – Тошкент, 2021.

11. Корнев А.С., Кузнецов В.А., Новиков А.В. К вопросу о допустимости использования результатов отдельных оперативно-розыскных мероприятий в доказывании по уголовным делам, связанным с незаконным оборотом

наркотических средств// Вопросы российского и международного права. 2022. Том 12. № 6А. С. 285-292.

12. Чечетин А.Е. Обеспечение прав личности при проведении проверочных закупок наркотиков // Вестник Сибирского юридического института ФСКН России, 2021. – № 2(19). – С. 19-26.